

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2018 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят Ромитан туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.И.Бозоров, судья ёрдамчиси Н.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ромитан туман прокурори катта ёрдамчиси М.Қудратовнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан №1-2012-1801/[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]), [REDACTED] 1982 йилда Ромитан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Когон шаҳар ИИБ ҚБ сафдор ходими вазифасида ишлаган, вақтинча ишсиз, Ромитан туман, “ [REDACTED] ” МФЙ, “ [REDACTED] ” қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 30 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш жиноятини қасддан содир этган.

Чунончи, у 2018 йил 12 июль соат тахминан 14³⁰ ларда қўшнисини [REDACTED] билан бўлиб ўтган жанжални расмийлаштириш учун чақиртирилган Ромитан тумани ИИБ ХПБ профилактика инспектори [REDACTED] суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида бориб, воқеа жойини кўздан кечираётган пайтида унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, уни қандай бўлмасин ўз хизмат вазифаларини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиб, шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан камситиб, ҳақорат қилиб, юз қисмидан мушти билан уриб, СТЭБнинг 14.07.2018 йилдаги 282-сонли хулосасига кўра соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати етказган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида 2005 йилдан ва Когон шаҳар ИИБ ҚБ сафдор ходими сифатида 2005 йил октябрь ойидан ишлаб келиб, 2018 йил 29 июль куни эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлигини, 2018 йил 12 июль куни соат 14⁰⁰ ларда “[REDACTED]” МФЙ “[REDACTED]” қишлоғида жойлашган фермер хўжалигига қарашли маиший хизмат кўрсатиш биноси олдида турганида автомашиналарни ювиш шахобчаси эгаси [REDACTED] кадастр мутахассисларини чақириб, шахобча худудини ҳужжатлаштираётганини кўраганини, у билан бинолари бир жойда жойлашганлиги учун жой масаласида илгаридан келишмовчилик бўлганлигини, шунда уларни олдига бориб мазкур ҳужжатлаштираётган жой унга тегишлилигини айтганини, шу сабабли [REDACTED] билан ўрталарида яна келишмовчилик бўлиб унинг юз қисмига бир маротаба урганлигини, орадан 5 дақиқа ўтиб ака-укалари [REDACTED] жанжални эшитиб келишганини, шу вақтда у мутахассис сифатида келган 3 нафар шахсларнинг олдига бориб бу ердан асбоб-ускуналарини йиғиштириб олиб кетишини айтганини, улар билан ҳам келишолмагач мутахассислардан бирининг юз қисмига ва иккинчисининг елкасидан бир маротаба урганлигини, бу орада ака-укалари [REDACTED] ва [REDACTED] уларни тинчлантиргач, мутахассислар автомашинасига ўтириб қайтиб кетишганлигини, ушбу жанжални кўрган [REDACTED] отаси [REDACTED] профилактика инспектори [REDACTED] га телефон қилиб, мазкур жойга келиши ва жанжални тинчлантириш тўғрисида билдирганлигини, орадан тахминан 10 дақиқа ўтиб худуд профилактика инспектори А.Гулов жанжал бўлган жойга келганини, у профилактика инспекторининг ёнига келиб унга бўлиб ўтган жанжални расмийлаштиришга келганини сўраганини, шу вақтда [REDACTED] билан ўзаро тортишиб қолганини ва жаҳл устида уни ўнг томон юз қисмига бир мушт урганлигини, жанжални эшитган [REDACTED] ва [REDACTED] келиб уларни ажратишганлигини, тортишув натижасида [REDACTED] хизмат кийимлари йиртилганини, ўзининг ҳам кийимлари йиртилиб жароҳат етганини, бу орада ҳамқишлоқлари [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] келишиб жанжални тинчлантиришганлигини, айбини тан олишини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва афсусдалигини, жабрланувчидан кечирим сўрашини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилавий шароити ва моддий аҳволини инобатга олиб, қонуний ёрдам беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED], у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида 2011 йилдан, эгаллаб турган лавозимида эса 2014 йил август ойидан бошлаб ишлаб келишини, хизмат вазифаларига ўзига бириктирилган маъмурий худудда жамоат тартибини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бошқалар киришини, 2018 йил 12 июль куни соат 14²⁰ ларда “[REDACTED]” МФЙ “[REDACTED]” қишлоғида яшовчи фуқаро [REDACTED] уяли алоқа телефонида кўнғироқ қилиб, қўшниси [REDACTED] ўғли [REDACTED] уриб тан жароҳати етказганлигини айтиб уни келишини сўраганини, у ушбу хабарга асосан ҳолатга оидинлик киритиш учун борганида, воқеа жойида фуқаро [REDACTED] кийимларида қон доғлари ва баданида тан жароҳатлари борлигини кўрганини, ушбу ҳолат бўйича [REDACTED] ўз тушунтиришида отаси

ЯТТ “██████████” томонидан юритиб келинаётган автомашиналарни ювиш шахобчасида туман ҳокимининг қарорига асосан ер майдонини белгилаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун кадастр ходимларини чақирганлигини, ерни ўлчаш пайтида қўшниси ██████████ бунга қаршилиқ қилиб, кадастр ходимлари билан биргаликда уни уриб тан жароҳати етказганини айтганлигини, у жанжал содир бўлган жойни кўздан кечираётган пайтида ██████████ унга яна ҳужжат қилиш учун келганини сўраб кутилмаганда ўнг томон кўзига мушти билан бир маротаба урганини, ██████████нинг акаси ██████████ ва укаси ██████████ орқасидан келиб икки қўлидан ушлаб туришганини, бундан фойдаланган ██████████ уни бош қисми ва танасининг турли соҳаларига бир неча маротаба уриб ҳақоарт қилганини, жанжал вақтида унинг хизмат кийимлари йиртилганини, жанжал вақтида ██████████ ва ██████████ уларни ажратишганини, судланувчи ██████████ қилмиши учун ундан кечирим сўраганлигини, унга даъвоси борлигини, жиноят ишини қонуний кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ ██████████, у 2018 йил 12 июль куни соат 14⁰⁰ ларда “██████████” МФЙ “██████████” қишлоғида жойлашган фермер хўжалигига қарашли маиший хизмат кўрсатиш биноси олдида укаси ██████████ олдида келганини, шу пайт укаси ██████████ автомашиналарни ювиш шахобчаси эгаси ██████████ кадастр мутахассисларини чақириб, шахобча ҳудудини ҳужжатлаштираётганлиги сабабли уларнинг олдида бораётган бўлганини, ██████████ билан бинолари бир жойда жойлашганлиги учун жой масаласида аввалдан келишмовчиликлари бўлганини, шундан сўнг укаси ██████████ уларнинг олдида борганини ва улар ўртасида жанжал келиб чиққандан сўнг укаси ██████████ билан биргаликда уларнинг олдида боришганини, улар боришганида ██████████ оғзи қон бўлиб укаси ██████████ кўзига кўрсатишини айтиб кетаётган бўлганини, шу орада укалари ██████████ ва ██████████ мутахассисларнинг олдида бориб ускуналарини йиғиштириб кетишларини айтиб жahl устига гапириб кетишганини, шунда мутахассислар билан укаси ██████████ жанжаллашиб кетгандан сўнг укаси ██████████ билан биргаликда уларни ажратишга уринишганини, шундан сўнг улар автомашинасига ўтириб кетишганини, орадан тахминан 5 дақиқа ўтгандан сўнг профилактика инспектори ██████████ жанжал бўлган жойга келиб, укаси ██████████ ёнига чақирганини, улар эса автомашиналарни ювиш шахобчаси олдида қолишганини, шу орада жанжал овозини эшитишганидан сўнг укаси ██████████ билан биргаликда уларнинг олдида боришганини, у ерга боришганида укаси ██████████ ва ██████████ жанжаллашиб, тортишиб туришганини кўрганини, улар бир-бирини уриб кетишганини, натижада ██████████ хизмат кийимлари йиртилиб кетганини, у ва укаси ██████████ уларни ажратишганини, бу орада жанжал тинчигач ██████████ ва ██████████ келиб оғзаки жанжал бўлаётган вақтда укаси ██████████ четга тортиб жанжални тўхтатишини айтишганини, сўнг ██████████ чақирувига асосан тезкор гуруҳ келиб ҳужжатларни расмийлаштиришганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ ██████████, у 2018 йил 12 июль куни соат 14⁰⁰ ларда “██████████” МФЙ “██████████” қишлоғида жойлашган фермер хўжалигига қарашли маиший хизмат кўрсатиш биноси олдида акаси ██████████ билан биргаликда ўтирган вақтида автомашиналарни ювиш шахобчаси

эгаси [REDACTED] [REDACTED] кадастр мутахассисларини чақириб, шахобча худудини хужжатлаштираётганини кўрганини, [REDACTED] [REDACTED] билан бинолари бир жойда жойлашганлиги учун жой масаласида аввалдан келишмовчиликлари борлигини, акаси [REDACTED] уларнинг олдида борганида улар ўртасида жанжал келиб чиққанини, сўнг у акаси [REDACTED] билан биргаликда уларнинг олдида боришганини, у ерга боришганида [REDACTED] [REDACTED] оғзи қон бўлиб акаси [REDACTED] кўзига кўрсатишини айтиб кетаётган бўлганини, шу орада акаси [REDACTED] мутахассисларнинг олдида бориб ускуналарини йиғиштириб кетишларини жahl устида айтганини, у ҳам уларга бу ердан кетишларини айтганини ва мутахассислар автомашинасига ўтириб кетишганини, орадан тахминан 5 дақиқа ўтгач профилактика инспектори [REDACTED] жанжал бўлган жойга келиб, акаси [REDACTED] ёнига чақирганини, улар эса автомашиналарни ювиш шахобчаси олдида қолишганини, шу орада жанжал овозини эшитишгандан сўнг акаси [REDACTED] билан биргаликда уларнинг олдида боришганини, у ерга боришганида укаси [REDACTED] ва [REDACTED] жанжаллашиб, тортишиб туришганини кўрганини, улар бир-бирини уриб кетишганини, натижада [REDACTED] [REDACTED] хизмат кийимлари йиртилиб кетганини, у ва акаси [REDACTED] уларни ажратишганини, бу орада жанжал тинчигач [REDACTED] ва [REDACTED] келиб оғзаки жанжал бўлаётган вақтда укаси [REDACTED] четга тортиб жанжални тўхтатишини айтишганини, сўнг [REDACTED] чақирувига асосан тезкор гуруҳ келиб хужжатларни расмийлаштиришганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ [REDACTED], у 2018 йил 12 июль куни соат тахминан 13:00 ларда профилактика инспектори [REDACTED]нинг хизмат хонасида профилактик суҳбатдан ўтиш учун борганини, суҳбат жараёнида [REDACTED] кўшни кишлоқда яшовчи фуқаро [REDACTED] кўнғироқ қилиб, кўшнилари жанжал қилиб ўғли Саломов Ҳакимни ураётганликларини айтганини, шу пайт у [REDACTED] билан биргаликда воқеа жойига келганини, [REDACTED] воқеа жойида фуқаро [REDACTED] ҳолат тафсилотларини сўраб, [REDACTED] тегишли бўлган автомашиналарни ювиш шахобчасининг орқа томонига ўтганини, у эса [REDACTED] автомашинасида қолганини, шу пайт [REDACTED] ва [REDACTED] ўзаро тортишганини, уларни олдида борганида [REDACTED] ва [REDACTED] ўзаро жанжаллашиб бир-бирларини урганликларини, бу пайтда [REDACTED] ва [REDACTED] укаси [REDACTED] ва [REDACTED] жанжални тўхтатиш учун ажратишга ҳаракат қилганини, лекин [REDACTED] акасининг кўлидан чиқиб [REDACTED] билан яна ёқалашганини, жанжал пайтида [REDACTED] ва [REDACTED] кийимлари йиртилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи [REDACTED] кўрсатмаларини тинглаб, судланувчининг айби ўзининг иқрорлик, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят иши бўйича билдирги, хабарлар, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадвал, нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳамда нарсани тақдим қилиш баённомалари, Ромитан туман СТЭБнинг №299, 283, 282, 298 ва 291-сонли хулосалари, Бухоро вилоят СТЭБнинг 187-ТК, 188-ТК, 155/25С.Р.Р-сонли хулосалари, далил ашё деб эътироф этиш қарори, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги №01-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорини 37-бандига кўра: "Жиноят Кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкин"лиги, 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги, 5-бандида "Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак" деб кўрсатилган.

Суд юқорида қайд қилинган Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, у томонидан содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, унинг шахсини, ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида қари ва касалманд ота-онаси ҳамда 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, бир неча йил давомида Ички ишлар вазирлиги тизимида ишлаб келганлигини, жиноят содир этиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 57-моддасини қўллаб, жарима жазоси тайинлашни, шунингдек судланувчи томонидан содир этилган мазкур жиноят 2018 йил июль ойида содир этилганлигини, шу вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам ойлик иш ҳақи 184.300 сўм этиб белгиланганлигини инобатга олиб, унга ушбу миқдордан келиб чиқиб жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, Бухоро вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига 23.10.2018 йилдаги тўлов ҳужжати орқали тўланган 10.000.000 (ўн миллион) сўм гаров пулларини судланувчи [REDACTED] ўзига қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган, жабрланувчи [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона хизмат кийими қўйлаги ва майкасини, [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона

кўйлакни ҳамда [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона футболкани йўқ қилишни лозим деб топди.

Суд жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 219-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан Жиноят Кодексининг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) баравари миқдорда яъни 9.215.000 (тўққиз миллион икки юз ўн беш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, Бухоро вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига 23.10.2018 йилдаги тўлов ҳужжати орқали тўланган 10.000.000 (ўн миллион) сўм гаров пуллари судланувчи [REDACTED] ўзига қайтарилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган, жабрланувчи [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона хизмат кийими кўйлаги ва майкаси, [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона кўйлак ҳамда [REDACTED] тегишли 1 (бир) дона футболка йўқ қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

У.И.Бозоров